



ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-
ПРАВОВЫХ АКТОВ

Проект

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QONUNI

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 89-моддасига ўзгартиш киритиш тұғрисида

QL-514/24-6

Мамлакатимизда солиқ органлари томонидан солиқ тұловчиларга хизмат күрсатиши сифатини янада ошириш, ҳисоб-китоблар тизимиға замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш бүйічі тизимли ишлар амалға ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда замонавий ахборот ечимларини жорий этиш, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қысқартириш, шунингдек, ушбу соҳада ҳисоб-китобларни амалға ошириш тартибини такомиллаштириш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун тадбиркорлик субъектларининг солиқлар ва йигимларни тұлаш билан боғлиқ мажбуриятларни бажариша қўлайликлар яратишига хизмат қиласи.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ-599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланған Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонга 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда, № 10, 593-модда, № 11, 652-модда, № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонга илова, № 8, 800- модда, № 9, 901-модда, № 10, 968, 969, 972, 973-моддалар, № 12, 1199-модда; 2022 йил, № 2, 79-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 5, 461 , 464 , 467-моддалар, № 6, 570-модда, № 7, 664, 666-моддалар, № 12, 1190-модда) 89-моддасига куйидаги ўзгартыш киритилсін:

учинчи қисмнинг 1-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

“юридик шахс ва якка тартибдаги тадбиркор — солиқ тұловчининг шахсий кабинети орқали пул маблағларини солиқ тұловчининг банкдаги ҳисобварағидан бюджет тизимининг тегишли ғазначилик ҳисобварағига ўтказишига доир топшириқнома банкка тақдим этилган пайтдан эътиборан – солиқ тұловчининг ҳисобварағида тұлов кунида етарлича пул қолдиғи мавжуд бўлган тақдирда ёки солиқ органларига интеграция қилинган электрон тұлов тизимлар орқали тұланганда;”.

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси ва бошқа манбаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижро чиқаларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсін;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-хукуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ойдан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг

Президенти

Ш.Мирзиёев